

Ўзбекистон болалари ва ўсмакларининг газетаси

Гос. кн. издательство УзССР

1 сентябр — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни



Болам, мен сенга ҳозир шундай бир тузум ҳақида тўлиб-тўлиб, жўшиб-жўшиб, куйиб-куйиб, куйган сари суйиб-суйиб гапириб бераман.

Буни менга ҳам худди сендек чоғида айтиб беришган.

Шундай бир тузум қурсак, бу тузумда биргина интилиш фалсафаси ҳукм сурса, унинг ҳамма аъзолари шу фалсафани (бу мустақил юрт фалсафаси) худди она боласини суйгани каби самийий суюб ардоқласа, бутун қалби, вужуди билан шу юрт келажакига ишонса, ғолиблик байроғи янглиг бошлар узра шуқуҳи тинмаса. Бу тузумда осойишталик, туман соқинлик, ўзлик, дўстлик, биродарлик, ҳокимлик, тинчлик ва кирний хотиржамлик ўрнатар, энг муҳими бундай ибратона тузум абадиётда ҳам ўзгартиш ясашга қодир бўлажак.

Болам, сен бунни чуқурроқ тушуи, бундай тузумни бобом отаси туш кўрган (вақт-бевақт қораланган "босмачи" бобом), бобонг эса ҳаёл қилган ("Қизил империя" қурбони бобонг), ва ниҳоят бизлар қуришга кирган, сизлар эса унинг келажакда ширин-ширин меваларига айланасизлар. Тушланган, орзуланган, қурилган ва келажакда ширин тузумнинг оти — ИСТИҚБОЛ ЮРТИ ЭДИ.

Истиқбол юртини кўзлаб чиққан қатор-қатор қарвонларнинг сони неча мингта эди, жўмард кетган ўша қарвонларнинг кўнғироқ садақлари ҳали-ҳали қулоқлар остида жириглайди. Бугунги бу садақлар ҳазин ва мунгли эмас, балки мустақилликка эришган она юртимни шодивнаси билан қутлаётган садо бўлиб эшитилмоқда, болам, эшитилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ — сен каби уч ёшли болам менинг! Сен қудешни кўрган кун, у ҳам қудешни кўрганди, сен бағирга босилган кун, уда бағирга босилганди, сен йўрғакланган кун, у ҳам йўрғакланган, ёмон кўзлардан, шажому довуллардан асрасин дея осилган туморлар, унга-да бегона эмас, болам.

ИСТИҚЛОЛ — бу ҳурлик, ўзлик, тенглик, эгаллик, фаровонлик, бахтиёрлик демак.

ИСТИҚБОЛ — бу сен ва мингларча сенларнинг шодон қийқириғи янграётган юрт.

Айрилиқда маъно кўрмайман. Отанг битта сенинг — ЎЗБЕКИСТОН, Отанг битта сенинг — ЎЗБЕКИСТОН, Ватандир у — кўҳна ТУРКИСТОН!

Болам, дейман, ҳоо-о, болам, туғилдинг, туғишганинг билан олға бос, бир-бирингга суян, асра, бир-бирингнинг қулоғингга интилиш фалсафасини шивирла: "Тараққий!" Бу интилиш йнсонга ҳам, тушланган, орзуланган, қурилган, келажакда ширин тузумга ҳам зарур. Илло, бугуннинг ширини шу: "Ватанимга мен нима қилдим?" ШАКАР



"Нурли авлод"нинг аъзолари инсоний туйғулар ила йўғрилган, ҳаммаша, ҳар доим яхшиликка шай турувчи, ҳақ йўлида толмас курашчи, маърифат ва маънавият сари етакловчи ғояларни илғари суриб, камолот сари борувчи авлодлар бўлмоғи лозим.

"НУРЛИ АВЛОД" ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ
2-БЕТ

Минг қатла шукр, ҳар тонг, ҳар шом дастурхон агрофида халқимизнинг фотиҳага қўл очиб, юртга тинчлик, ёмонларга инсоф, катта-ю кичикка диёнат тилаб қилган дуолари вожиб бўлди. Кўкдан раҳматлар ёғилди. Асрий орзуларимиз ушалиб, мустақилликка эришдик. Ватан ва эрк тушунчалари имон каби кўнғилларда яшайди, кўнғилларда буюклашади. Бугун сизу биз зиммамайзга тушган шу тарихий масъулиятнинг залворини ҳис эта олаётган эканмиз — Ватанга заррача меҳр туйғусидан бенасиб қолмаган эсак, бу муқаддас кун юртимизни Хумо бўлиб қучган ҳурриятга қовуштирганидан, миллат сифатида буюк давлатчилик тажрибасига эга бўлган, жохон илму фанига муносиб ҳисса қўшган аждодларимизнинг меросхўрлари эканимиздан ва биз навқирон авлод шундай улуг ўтмишга эга миллатнинг келажак учун хизмат қилаётганимиздан гурур туймоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ношуқур бўлмайлик. Яқин ўтмишда ким эдик? Биз ўша, ҳар куни дастурхон бўйда мол-мулк эмас, юртга тинчлик

тилаганларнинг фарзандларини биров йўқлармиди, ўз тилингда ариза кўтариб борсанг, биров очик чеҳра билан қабул қилармиди, ўз юртингда эмин-эркин яшай олармидинг, келажакнинг учун сен эмас, "буюк оғалар"нинггина бош қотириши, сен эса қорнинг тўйганидан хурсанд, меҳнатнинг

Келажак эса порлоқ бўлиши муқаррар.

Ҳа, мустақил бўлдик ва шукрлар бўлсинки, қон тўкилмади. Аммо, шу Ватан, шу озодлик, шу тупроқ учун курашиб жон берганларнинг қони билан сугорилди сўнгги юз йилдан тарихимиз. Мустақил давлат сифатида яшашимиз учун шу қисматнинг ўзи кифоя эмасми? Ҳа, мустақилликни қон тўкиб олмадик биз — бугунги авлод, у қон узра униб чиққан гул каби битди пешонамизга.

Фозил инсоннинг ҳар нафаси ҳам сарҳисобдан иборат, дейдилар. Инсон-ку инсон, бугун бошли давлатнинг-да ўз сарҳисоби бўлмоғи, халқнинг келажак олдида масъулият ҳис этмоғи бор. Мустақилликка эришган мамлакатнинг тараққийёт йўли ҳар доим ҳам силлиқ кечмаган. Ютуқлар кўп, хатолар ҳам оз эмас. Иқтисод, ташқи ва ички сиёсатда тажрибамиз аста-секин ортиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан Президентимизнинг ўзбек халқининг миллий шуурига, яшаш тарзига, жуғрофий қўнимга мос тараққийёт йўлини танлаганининг ўзи бир олам қувончга татиғулик.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН БЕШИНЧИ "ЙЎЛБАРС" БЎЛАЖАК

тагидан чиқмай гул умрингни совурганинг ҳақиқат эмасмиди? Қиёслайлик, бугун кимиз? Мустақил давлат сифатида дунёга танилдик, минглаб ёшларимиз хорижда таҳсил олмақда, давлат бошқарув тизимида юртим деган миллий кадрлар кўпаймоқда, ниҳоят, республика бойликлари ўз хоҳиш-иродамизга кўра истеъфода этилмоқда. Вақт одил ҳакам деганлари рост. Сувлар тинаяпти, оқ-оққа, қора-қорага чиқаяпти. Атиги уч йилдан бери тарих гилдирагига басма-бас нафас ростлаб, қад тиклаб боряпмиз.



Шерзоднинг ҳамон едида. У 2-синфда ўқиб юрган кезлари бир сафар расм дарсидан "2" баҳо олиб уйга келган эди. Онаси билиб қолиб ўша расмни қайта чи-зишни машқ қилдирди.

"ОСМОН ТЎЛА ЮЛДУЗЛАР"
3-БЕТ

Бобо бахши билди. Ҳақсўз ботир қайтмайди. Мардман деган бир айтади. Икки айтмайди. Шунда "Ҳай аттанг", деб пешонасига бир уриб, тинка мадори қуриб, Ҳақсўз ботирнинг от чоптириб кетаётганини кўриб, айтиб турибди.

"ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНИ ҚУРБОНЛАРИГА БАҒИШЛОВ"
4-БЕТ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу кутлуг айём арафасида мағрурланажак неларга эришганимиз кўпчилигига аён. Энг асосийси, шу дунёнинг бир қаторида Ўзбекистон деган юрт борлигини бутун дунё тан олди, эътироф этди. Ой-юлдузли байроғимиз нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар байроқлари орасида ўз муносиб ўрнини эгаллади, улугвор мадҳиямиз дунёнинг турли бурчакларида янгради ва янграмоқда. Ўзбекистонда йирик давлатларнинг эл-

Ўзбекистон том маънода янги уйғониш даврининг бўсағасида турибди. Кўплаб чет эл фирмаларининг Ўзбекистонда қўшма корхоналар очаётгани, хорижий сармоянинг мамлакатимизга кириб келаётгани, корхоналаримизда ишлаб чиқаришнинг изга тушаётгани бунинг ёрқин далилидир. Яқин келажакда Ўзбекистон дунёда Осиёнинг тўрт йўлбарси деб танилган ва тараққиётда Европа давлатлари билан рақобат қилаётган Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд, Сингапур каби

ЎЗБЕКИСТОН БЕШИНЧИ "ЙЎЛБАРС" БЎЛАЖАК

чихоналари, жумладан, мамлакатимизнинг чет элларда ҳам элчихоналари очилди. Бир заминда яшагандан сўнг, ўзга давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатилган экан, ривожланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яхши англаган Ўзбекистон Президенти мустақилликнинг илк кунлариданоқ хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1500 дан ошиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Германиянинг озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 9 та, Япониянинг 10 дан зиёд, Туркиянинг 80 та, Хитойнинг 70 га яқин фирмалари Ўзбекистон корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Ҳиндистон, Корея, Миср каби юзлаб давлатларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга интилаётгани ташқи сиёсатимизнинг ютуқларидан далолат бермоқда. Албатта, булар Ўзбекистонни етук давлатлар қаторига олиб кириш борасидаги дастлабки ютуқларимиз. Халқаро нуфузи кун сайин ортиб бораётган

давлатлар қаторига қўшилади, деган умидимиз ва асосимиз бор. Чунки Ўзбекистоннинг илгор ва бадавлат мамлакатлардан бири бўлиши учун барча моддий-маънавий бойликлар мавжуд. Бу йўлда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлардан барчамиз воқифмиз. Германиянинг "Мерседес-Бенц", "Сименс", Буюк Британиянинг "Меридит Жонс групп", "Лонро", Жанубий Кореянинг "ДЭУ" каби ўндан зиёд хорижий фирмалар билан биргаликда қурилган қўшма корхоналар дастлабки маҳсулотларини бера бошлаяпти...

Бундай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиш, кўриш қандай бахт!

Инсонда эртанги кунга умид бўлса, юксакликлар чўнг кечаверар экан. Ўзбекнинг орзулари эса кўнгли каби кенг, наинки юртига, хатто заминга сизмайди орзулари... шундай ҳокисор халқнинг бор бўлсин, йўлинг халқининг хаёлларидай ойдин бўлаверсин, мустақил Ўзбекистон, дегинг келади бугун буюк байрамимиз арафасида.

Жаҳонгир НАҲАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Боғчамизни унутманглар

Яқин-яқинларда шодон куйлаб, шўх рақсга тушаётган мана бу қизалоқлар оналарининг қўлидан тутиб илк бор боғчага қадам қўйишган эди. Дастлабки кунларда ҳар тонг хархаша билан боғчага йўл олишарди. Мана, хаш-паш дегунча орадан 4 йил ўтибди. Бу орада жонажон боғчалари, тарбиячи опалари билан кадрдонлашиб кетишди. Ўрганган қўшиқлари-ю рақсларининг ҳисоби йўқ. Ўқиш, ёзишни ҳам билиб олишди.

Бугун эса улар жонажон боғчалари, кадрдон боғча опалари билан хайрлашмоқдалар. Устозларидан ўрганган қўшиқларини куйлаб, рақсга тушиб, уларга ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда. Ўз навбатида боғча опалари ҳам болажонларга оқ йўл тилаб, эсдалик совғаларини топширишди.

— Мактабда аъло баҳоларга ўқинглар, бизларни уялтириб қўйманглар. Боғчамизга ҳам тез-тез келиб туринглар, — дейди тарбиячи Фотима опа Дўстмухаммедова тарбияланувчиларига меҳр билан боқиб.

Суратда: Тошкентдаги 188-болалар боғчасида бўлиб ўтган мактабга кузатиш маросимидан лавҳалар.

Р.АЛБЕКОВ суратга туширган.

Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси фаолиятдан

Куни-кеча Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Тошкент вилояти Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан тавсия этилган ва матбуотда

чанқоқ, ахлоқли ва одобли, меҳнатсевар ва камтарин, дили пок, иймон-эътиқодли "келажакги порлоқ авлод", яъни "Нурли авлод"лар қўлидадир.

"Иймон-эътиқод, поклик дилимизда, иззат, одоб ила қўлимиз кўксимизда"

шундай маъно келиб чиқадики, "Қўлимни иймон-эътиқодли пок дилим устига қўйиб, ҳурмат-эҳтиром ила сизга тинчлик тилайман" дегани. Яъни, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни давомчилари бўлишади. Буюк бобоқалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Аҳмад Яссавий замонларида ҳам кишилар ана шундай тавозе билан тинчлик-тоғувлик, сихатлик тилаганлар. Зеро, ҳар бир халқнинг умри унинг маданияти, урф-одатлари, удум ва анъаналари умрининг узунлиги билан ўлчанади.

Қўйида йиғилиш иштирокчилари томонидан тавсия этилган "Нурли авлод" ва "Хумочалар" номларининг мазмуни, нишон лойиҳаларининг эскизларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Улар билан танишиб, уюшмангиз аъзолари билан муҳокама қилиб, фикр ва мулоҳазаларингизни, шунингдек, ўз таклифларингизни киритасиз деган умиддамиз.

«Нурли авлод»


қадриятларимиз давомчилари

кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган ташкилот аъзоларининг номи, нишони ва бўйинбоғи муҳокама қилинди. Улар орасида Тошкент вилояти Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Кенгаши томонидан тавсия этилган юқори қисми яшил, ўрта қисми қизил хошия билан юргизилган оқ тасма ва кейинги қисми кўк рангда бўлган бўйинбоғ ҳамда ташкилотнинг катта ёшдаги аъзолари учун "Нурли авлод", кичик ёшдаги аъзолари учун "Хумочалар" номлари ҳам қайд этилган эди.

Йиғилиш иштирокчилари айнан ана шу бўйинбоғ ҳамда номларни маъқуллаб таклиф киритишди.

— Ўзбекистон болалари ва ўсмирларига айнан ана шу номлар ҳамда бўйинбоғ муносиб бўлади, деб ўйлаймиз, — дейди Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Тошкент вилояти Кенгашининг раиси Иззатилла Раҳимов йиғилишда сўзлаган нутқида. — Ўзбекистон — буюк давлатимизнинг келажакги, эртанги куни илм-маърифатга

шиори ҳар бир "Нурли авлод" аъзосининг қалб даъватига айланган. "Нурли авлод"нинг аъзолари инсоний туйғулар ила йўғрилган, ҳамisha, ҳар доим яхшилигига шай турувчи, ҳақ йўлида толмас курашчи, маърифат ва маънавият сари етакловчи гоиларни илгари суриб, камолот сари борувчи авлодлар бўлмоғи лозим. "Нурли авлод"ларнинг каломи ҳам ўзига яраша: ўнг қўлини кўксига, юрак устига қўйиб, таъзим қилади. Бундан



"Хумочалар" кўкрак нишонининг қисқача маъноси

Жажжи кичкинтойлар учун тавсия этилаётган ушбу нишонда Хумо қуши тасвирланган. У ҳақиқат, бахт-саодат, эркинлик, маърифат, билим нури ва истиқлол машъали рамзи бўлган қуёш сари интилмоқда. Келажакги порлоқ, кичкинтойларимиз хумочаларга қисланган.



Рассом Дониёр ОРТИҚОВ.

Истеъдод

Айланади тинмай ер шари,
Айланади умри равоним,
Мен дунёни кўрмоқ истайман,
Хайратларга тўлиқ ҳар оним...

Шоир айтганидек, ҳар бир сония, ҳар бир дақиқа ҳаяжонли ва хайратлидир. Буни ҳар бир киши ўз имконияти даражасида қабул қилади, ҳис этади. Шунинг учун ҳам одамларнинг ҳаёт тарзи турлича кечади, мурод мақсадларига ҳам турлича

ОСМОН ТЎЛА
ЮЛДУЗЛАР

эришадилар.

... Хайрат ва ҳаяжон "қули" Шерзод ҳали ўқувчи. Аниқроқ айтсак, у Навоий туманидаги Нодираномли мактабда ўқийди. Маъқул томони — мактабда ҳам, уйда ҳам ҳамма билан бирдек муомалада бўлишга интилади, хушфезъл, самимий. Дўстларига меҳрибон. Бу фазилатлари ота-онаси таъсирида шаклланиб борапти, десак янглишмаймиз. Отаси Равшан ака Давронов Навоий шаҳридаги 21-автокорхонада ҳайдовчи, онаси Дилором опа Давронова эса шу шаҳардаги 1-ошхонада ошпаз бўлиб ишлайди. Уларниқанда қачон бўлмай, фарзандлари алоҳида эътибор билан тарбияланаётганини кўраман. Ҳамма ҳам шундай бўлса эди...

Шерзоднинг ҳамон ёдида. У 2-синфда ўқиб юрган кезлари бир сафар расм дарсидан - "2" баҳо олиб уйга келган эди. Онаси билиб қолиб ўша расмни қайта чизишни машқ қилдирди. Ниҳоят, чизган расмидан онасининг кўнгли тўлгач, ўқитувчисига кўрсатди. Қаранг, энди ўша расм учун "5" баҳо олди. Шу-шу унинг расм чизишга ишқи тушди. Натижалари чакки эмас. Масалан, ўтган ўқув йилида туман миқёсида ўтказилган

"Асфальтга расм чизиш" кўригида фахрли ўринни эгаллади.

Шерзод фақат расм чизиш билан кифояланиб қолмай, кўшиқ айтиш, куй басталаш, шеър ёзиш, аккордеон ва доира каби чолғу асбобларини чалишга ҳам қизиқади. Шунинг учун бўлса керак мактабда доим бирор тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди. Интилувчанлиги эвазига кейинги пайтда мактаб доирасини ҳам ёриб чиқмоқда. Масалан "Ўн олти баҳор", "Нозланиб-нозланиб" деб номланган кўшиқлари билан Навоий вилоят телевидениеси кўрсатувида муваффақиятли иштирок этиб, кўпгина мухлислар орттирди. Айни пайтда у туман болалар ва ўсмирлар ижодий уйининг фаол иштирокчисидир. Яқинда у вилоят иқтидорли болалар II слётида қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Албатта унинг бу ютуғида устози, "Тасвирий санъат" тўғараги раҳбари Шойиқул Бебитовнинг ҳиссаси катта. Бугина интилишларидан қатъий назар Шерзод фанларни кунт билан эгаллашни биринчи ўринга қўяди. Айниқса келажакда иқтисодчи бўлмоқчи.

Ёзда ҳам бекор ўтиргани йўқ. Шаҳар ёнидаги далалардан ўт териш баҳона, шеър ҳам "олиб қайтапти".

Вақтлар ўтар... Умр қандай ўтганини билмаймиз,

Сувлар оқар — ёшлиқ ўтиб кетганини билмаймиз.

Баҳор ўтар, ёз ўтар, гуллар қандай сўлганини билмаймиз...

Оҳ чекиб, гул ишқиди булбул қандай ўлганини билмаймиз.

Бу Шерзоднинг янги машқларидан намуна.

Ҳозирданок тенгдошлари даврасида юлдуздек чақнаётган бу йигитча — Шерзод Давронов бир куни келиб, ажойиб ишлар қилишига ишонгимиз келтир. Илойим шундай бўлсин.

Олия ФАЙЗИЕВА,
вилоят "Болалар ва ўсмирлар" ижодиёт
маркази "Ниҳол" адабий тўғараги раҳбари.

Мустақиллик
муборак,
Ўзбекистоним!

Мустақил бўлдинг юртим умрбод,
Гуллайсан, яшнайсан бахтлисан озод.
Жондан азиз ўлкам масканим маним,
Мустақиллик муборак Ўзбекистоним!

Ўси бағринг узра қанча авлодлар,
Алишеру, Темур бобо калонлар.
Устоз қадрин билдинг, жонажон юртим,
Мустақиллик муборак, Ўзбекистоним!

Сен ҳақингда қанча ёзсам ҳам оздир,
Тарихинг сўзлашга тил-ку ожиздир.
Барини эшитиб эзилган жоним,
Мустақиллик муборак, Ўзбекистоним!

Ниҳоят озодсан, шод бўл доимо,
Бошингда порласин бахт қуши Хумо.
Биргамиз сен билан ҳаммиша она,
Мустақиллик муборак, Ўзбекистоним!

Муниса ЮНУСОВА,
Тошкентдаги 200-мактаб ўқувчиси.



ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбек халқи ўзининг қадимий, миллий халқ ўйинлари билан машҳур. Отга минди, чиллак, қулоқ чўзма каби болалар ўйинларини узоқ йиллар давомида севиб ўйнаб келишган. Кейинчалик бу миллий ўйинлар унутила бошланганига қарамай, бизнинг қишлоқларимизда улар доимий ўйналиб келинди.

Кейинги йилларда шаҳримизда миллий халқ ўйинларига алоҳида эътибор берила бошланди. Бу йил тоғли Фориш туманининг "Қизилқир"ида халқ ўйинларининг Республика мусобақалари бўлиб ўтди. Шунинг ўзи ҳам ўйинларга берилётган эътибордан далолат бериб турибди.

Биз таътил кунлари ҳам миллий ўйинларимизга бўлган эътиборни сусайтирмадик. Маҳалламиздаги болалар ҳафтанинг икки куни йиғилишади ва аввал ўрганган миллий ўйинларимиздан ўйнаймиз. Бу ҳақда ота-буваларимиздан сўраб, бир-биримизга гапириб берамиз. Бир ниятимиз бор: янги ўқув йили давомида таътилда ўрганган ана шу халқ ўйинлари асосида мактабимизда мусобақа ташкил этмоқчимиз.

Б. УМРЗОҚОВ,
Жиззах шаҳридаги "Ёш ижодкорлар уйи"нинг
тўғараги аъзоси.

БОҒДА ХАТНА ТЎЙИ

Болалар уйларида сабабчиларининг ҳар бири номига тарбияланаётган болалар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйларини ўтказиб бериш Наманган вилоятида яхши анъанага айланиб бормоқда. Зар чопонлари-ю чуст дўппичалари ўзларига ярашиб турган болажонларни Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, халқ артисти Наби Раҳимовлар қизгин муборакбод этдилар.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.



Мустақиллигимизнинг уч йиллиги арафасида кўпгина жойларда бўлаётган байрамлар қаторида пойтахтимиздаги "Меҳржон" болалар боғида ҳам катта сайл бўлиб ўтди.

Байрамни Миробод тумани Халқ таълими бўлими бошлиғи Баҳриниса опа Жўрақулова очди ва болаларни табриқлади.

Сайлнинг қизиқ томонларидан бири шу бўлдики, унда асосан тумандаги 23 та болалар боғчасидан 20 та эгизаклар

ЭГИЗАКЛАР
ЭРТАКЛАР
ОЛАМИДА

иштирок этди. Байрамда эгизаклар ҳақиқий эртак оламига тушиб қолишди. Ҳаваскорлар уларга "Кенжа ботир" асари асосида томоша кўрсатишди. Эгизаклар фақат томошабин бўлибгина қолмай, балки томоша давомида ўзларининг чиройли ўйинлари билан барча қатнашчиларни хурсанд қилишди. 126-болалар боғчаси тарбияланувчилари 5 ёшли Фотима ва Зуҳра Ўлмасовалар, 506- болалар боғчаси тарбияланувчилари 6 ёшли Шерзод ва Азиз Солиҳовлар шулар жумласидандир.

Эртақ қаҳрамони Кенжа Ботир ҳар қандай тўсиқлардан ўтиб бўлса ҳам эгизакларга совғасини етказди.

Байрам якунида болалар боғдаги аргимчоқларда бепул учинди.
Ф. ОДИЛОВА.

Суратларда: "Кенжа ботир" спектаклидан бир кўриниш. Бир гуруҳ эгизаклар томоша пайтида.

Чандан ўнгта. 214-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Баҳодир Нарямов ва шу мактабнинг 5-синф ўқувчиси Даврон Раҳматкулов.
Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Мустақиллик сатрлари

Ўзбекистоним

Озод, мустақил,
Элпарвар, аҳил,
Саҳий, очиққўл
Ўзбекистоним.
Оламга ҳар чоқ
Очиб кенг қучоқ,
Бахтли кулиб боқ
Ўзбекистоним.
Мадҳиянг тилда,
Мақоминг дилда.
Байроғинг қўлда
Ўзбекистоним.
Тинчликка масъул,
Меҳнатда машғул
Жаҳонга машхур
Ўзбекистоним.

Ҳилпира, байроғим!

Ўзбекистон Ватаним,
Эрқда кулган чаманим.
Байроғи қалб тимсолим,
Менинг нурли иқболим.
Ўн иккита қолдузинг —
Чарақлаган дил кўзинг.
Осмонида кулган ой,
Сенга бахш этган чирой.
Бошлар узра толесан,
Ватаним иқболисан.
Халқим истиқболисан,
Ҳаётисан, жонисан.
Мустақиллик байроғи,
Дўст, аҳиллик байроғи
Эркин яйраб ҳилпира,
Қувонч тараб ҳилпира.

Ватан тимсоли

Ўзбекистон тимсоли,
Акс этган юрт иқболи.
Бошда Хумо қуши бор,
Топган обрў эътибор.
Қуешдай пок Ватаним,
Эрк яратган маконим.
Халқим танлаган нусха,
Яқинсан дилга, кўзга.
Мамлакатим нақшисан.
Шарқнинг ором бахшисан.
Ватан рамзи — кўркамсан
Еш умримга илҳомсан.

ҚАМБАР ОТА



Айни кунларда республикамиз Мустақиллигининг уч йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. "Тўйга тўёна билан борамиз" деган ниятда "Булбулча" болалар ансамбли ҳам байрамга тўхфа тайёрлашмоқда.

К. ҲИМАСОВ
суратга туширган.

...Бир куни Ҳақсўз ботир "ув", деб. "Юрак бағрим сув", деб. Бўз отини етаклаб, чапонини қўлтигига қистириб, телпагини кўзига бостириб, тоғдан ошиб жўнайверди. Анда тоғнинг чўққисиди Бобо бахши маст бўлиб, унинг янграқ овозидан не чўққилар паст бўлиб, куйлаб ётиб эди. Кўзи ер чизиб келаётган Ҳақсўзга тушди. Унинг келишини кўриб, "Бир сир ўтди-ёв", деб кайфи учди. Ўтирган ўрнидан иргиб туриб, "Хов ботир болам, не бўлди? Бошинг эгилибди, қарашингдан билдим кўзингдан ешинг тўкилибди. Эр киши суйгани сотса хор бўлади. Ё дўсти, ё устози ортидан отса, дўст-ку дўст, душманга-да, зор бўлади. Ботир болам, сенга не бўлди?" деб сўзланиб келиб отнинг олдини тўсди. Анда Ҳақсўз ботир, "Эй Бобо бахши, нима қиласиз ярамни тирнаб. Мен ҳам юрибман ўзимнинг туз-насибамни излаб", деди. Анда Бобо бахши:

суйиб кетди. Билмадим ганимимнинг мол-дунёсигама кўнгли ийиб кетди. Мени ташлаб ўшанга тийиб кетди. Энди мени бу юртларда юргилигим қолмади. Кетмасам бўлмас", деб эди. Бобо бахши:

**Ботир болам, полвон болам, зўр болам,
Ёр суйишда адашганим, гўр болам,
Бевафога кетайверсанг араз қиб,
Бобонг ўлсин, пешонаси шўр болам.
Тоғнинг кўрки манов қора тош болам,**



Ўттиз еттинчи йиллар қатағони қурбонларига бағишлов

Бахшиёна

Ўз элинга сизмаган бошинг,
Ўзга юртга сизмайди болам.
Ўз элинга тугмаган кунинг,
Ўзга юртда тугмайди болам.
Олтинларинг тоғ бўлур балки,
Кўзинг юртга тўймайди болам.
Шоҳ бўлсангда, гадо бўлсангда,
Ўзга эллик суймайди болам.
Балки чор дер, балки ночор дер,
Лекин сардор демайди болам.
Қаро тупроқ кўрпанг бўлгач кас,
Мозорингга кемайди болам.
Ботир йигит хотин желагин,
Кийиб кетса бўлмайди болам.
Имони бут, дини бут фарзанд,
Ўзга юртда ўлмайди болам.
Деб ўлан айтаверди. Анда Ҳақсўз ботир,
"Хов Бобо бахши, суйганим бор эди, ўзгани

Эр кишига ярашмайди ёш болам,
Ботирлари кетайверса аразлаб,
Элатингга ким бўлади бош болам.
Воҳ болама, воҳ болама, оҳ болам,
Юраккинам куйиб бўлди доғ болам,
Бир сўз айтмай, кейин майли, кетайвер,
Гувоҳ бўлсин тил-забонсиз тоғ болам.
Кетар бўлсанг ана, текис йўл болам,
Юртинг боғмас, бўлар энди чўл болам,
Бевафо деб кечсанг эл-у юртингдан,
Эркак бўлмай ўлгин болам, ўл болам.
Деб бўрила жўнайверди. Энди Ҳақсўз ботирнинг ўзи Бобо бахшининг олдини тўсиб, "Эй Бобо бахши, ёмон гапирдинг, лекин ҳақиқат тамон гапирдинг. Шу боис сендан яна бир нарсани сўрайин, қандай жавоб берар экансан, кўрайин. Мени бир майизни қирқ бўлиб ейдиган дўстим бор эди. Бир оғир кунимда шуям сотди.

Ганимимга қўшилиб маломат отди. Ҳаммасидан ана шу ёмон ботди. Бунга не дейсан?" деди. Анда Бобо бахши:

**Умр асли оқиб ётган сой болам,
Дўстинг кўпдир, қачон бўлсанг бой болам,
Туз берганинг тузлигингга тупурса,
Охир бир кун оқибати вой болам.
Ёмонлардан доим узоқ юр болам,
Ким мард бўлса, изин кўзга сур болам,**

Ислон ҲАМРО

Кимса келса, аямагин нонингни,
Номард бўлса нон қилади кўр болам.
Энди Ҳақсўз ботир Бобо бахшига қараб айтиб турган экан:
Гадо бўлдим муҳаббатга,
Биров билмай, биров билди.
Мени осмон қилмади у,
Балки қаро ерлар қилди.
Суянганим суянч эмас,
Билсанг бобо, сотқин чикди.
Дуд чикмади юрагимдан,
Олов чикди, ёлқин чикди.
Душман оғса, елкам эмас,
Юрагимни пойлаб отар.
Дўст деганларим ортимдан.
Пахта ўқни жойлаб отар.
Эл деганинг, эркагини,
Ботирини билмай ўтар.
Номард доим тўрда бунда,
Мардни писанд қилмай ўтар.
Қадрингга етмаган дўстдан,


Билмадим, танти ганим яхши.
Юртда юриб чеккан гамдан,
Қўмсаб чеккан ганим яхши.
Қайтар бўлсам манов йўлдан,
Қаргаларга емиш кўзим.
Айтгил бориб элатимга,
Сенга айтдим, сўнгги сўзим.

Бобо бахши билди. Ҳақсўз ботир қайтмайди. Мардман деган бир айтади. Икки айтмайди. Шунда "Ҳай аттанг", деб пешонасига бир уриб, тинка мадори қуриб, Ҳақсўз ботирнинг от чоптириб кетаётганини кўриб, айтиб турибди:

**Ботири ўлган элнинг,
Бог-чарбоғи йўқ бўлар.
Элати очдан ўлиб,
Ганимлари тўқ бўлар.
Аёли ўлган элнинг,
Бағри мазор бўлади.
Кўрган куни оҳ-у воҳ,
Умри озор бўлади.
Боласи ўлган элнинг,
Бағри куйиб адодир.
Эртаси ўлган элда,
Эр хотинин сотодир.
Оқини ўлган элнинг,
Оқиб тушар кўзлари,
Подшоси кўрқок элнинг,
Ганим ўяр кўзларин.
Ўлмай туриб кетганлар,
Қайтса нима бўлади?
Дилидагин элига,
Айтса нима бўлади?
Қайтар кунлар умиди,
Айтар кунлар умиди,
Ҳақсўз болам, мен сендан,
Кутганларим шумиди?!**

Эй ёронлар! Мен ҳам Ҳақсўз ботир тутган йўлни тушунолмай танг қолдим. Бирда тарих титиб, бирда боболарнинг сўзларига қулоқ солдим. Топганим, тутганим: Ҳақсўз ботирлар ўлмас экан. Уларни Сибир қилган билан, отган билан, осган билан адо бўлмас экан. Шунисига ҳам шукур...

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ



Таҳрир хайъати:
Сафар БАҲНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Талъис иттифоқи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуни"
номи билан чиқа бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-1002. 14834 нусхада босилди. Ҳажми - 1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6